

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

САПАЕВА ФИРУЗА РУЗУМБАЕВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА УРОЛОГИК ИНФЕКЦИЯ БАКТЕРИАЛ
ҚЎЗҒАТУВЧИЛАРИ, УЛАРНИНГ ПАТОГЕНЛИК ОМИЛЛАРИ ВА
АНТИБИОТИКЛАРГА ТУРҒУНЛИГИНИ ФЕНО – ВА ГЕНОТИПИК
ТЕКШИРИШ УСУЛЛАР ЁРДАМИДА АНИҚЛАШ**

03.00.04 – Микробиология ва вирусология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the Doctor of Sciences (DSc) dissertation abstract

Сапаева Фируза Рузумбаевна

Ўзбекистонда урологик инфекция бактериял қўзғатувчилари,
уларнинг патогенлик омиллари ва антибиотикларга турғунлигини фено
– ва генотипик текшириш усуллар ёрдамида аниқлаш..... 3

Сапаева Фируза Рузумбаевна

Бактериальные возбудители уроинфекций в Узбекистане, факторы
вирулентности и устойчивость к антимикробным препаратам при
использованием фено-и генотипических методов..... 27

Sapaeva Firuza Ruzumbaевна

Bacterial pathogens of urological infections in Uzbekistan,
determination of their pathogenicity factors and resistance to antibiotics
using pheno- and genotypic testing methods 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**
**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

САПАЕВА ФИРУЗА РУЗУМБАЕВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА УРОЛОГИК ИНФЕКЦИЯ БАКТЕРИАЛ
ҚЎЗҒАТУВЧИЛАРИ, УЛАРНИНГ ПАТОГЕНЛИК ОМИЛЛАРИ ВА
АНТИБИОТИКЛАРГА ТУРҒУНЛИГИНИ ФЕНО – ГЕНОТИПИК
ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ ЁРДАМИДА АНИҚЛАШ**

03.00.04 – Микробиология ва вирусология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.DSc/B148 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Исхакова Халида Илхамовна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Эшбоев Эгамберди Хусанович тиббиёт фанлари доктори, профессор Миралимова Шахло Мирджамолловна биология фанлари доктори Ахмедов Рустам Носирович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етақчи ташкилот:	Пастер номидаги Санкт – Петербург эпидемиология ва микробиология илмий текшириш институти (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2023 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2023 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Л. Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н. У. Таджиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б. М. Таджиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда сийдик йўллари инфекцияси сонининг ортиши ва бу муаммо юзасидан беморлар сонининг ривожланган, ҳамда ривожланаётган давлатларда долзарблиги кузатилмоқда. Шунингдек, шартли патоген микроорганизмлар келтириб чиқарувчи касалликлар, жумладан «...сийдик йўллари инфекциясининг йил сайин ортиши, оғир даражада учраши ва беморлар ҳаёт сифатини пасайиши тиббий ва ижтимоий муаммолардан бирига айланди»¹. Ҳозирги замон тиббиёти маълумотларига кўра, сийдик йўллари инфекциялари кўзғатувчиларининг антибиотикларга турғунлик генлар ёрдамида яқин авлодларига ўтказиш қобилиятига эга. Бу эса, тиббиёт муассасаларида антибиотикларнинг доимий чидамлилики ривожланиш таъсири натижасида, айниқса жонлантириш ва терапия бўлимларида, чидамлилики механизмларининг янги турларини кенгроқ тарқалиш ҳолатлари юзага келишига олиб келади. Шу жиҳатдан, сийдик йўллари инфекцияларини ўз вақтида ва эрта ташхислашнинг замонавий усулларини қўллаш, даволаш ва профилактика жараёнларини такомиллаштириш, ўлим ҳолатларини олдини олиш амалий тиббиётни устувор йўналишлари бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда сийдик йўллари инфекцияси муаммоли бактериал патогенларнинг антибиотикларга чидамлилигини самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, минтақамизда сийдик йўллари инфекцияси этиологиясини ретроспектив таҳлили асосида уропатоген *Escherichia spp.*нинг тарқалиши, уропатоген вакиллари биокимёвий хусусиятлари, вирулентлик омилларини аниқлаш ҳамда замонавий антибиотикларга сезгирлигини баҳолаш, антибиотикларга чидамлилигини белгиловчи генларни фенотиплари ва генотипларини аниқлаш, уропатоген *Escherichia coli* штаммларининг антибиотикларга чидамлилигининг етакчи механизмларини аниқлашга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан сийдик йўллари инфекцияси билан касалланган беморлардан ажратилган уропатоген штаммларини антибактериал препаратларга чидамлилигини шаклланиш сабабларини аниқлашга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар бажарилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ҳамда касалликларни олдини олиш»² каби муҳим вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда, сийдик йўллари

¹ Global Burden of Disease 2019. World Health Organization Geneva. <http://www.who.int/publications>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

инфекцияси кўзгатувчиларини вирулентлик омилларини аниқлашнинг содда ва арзон фенотипик усулларини янада ривожлантириш, микроорганизмларнинг антибиотикларга сезгирлиги, муқобил дорилар – бактериофаг ва фитопрепаратларнинг самарадорлигини аниқлаш усулларини ҳамда антибактериал даволаш тизимини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2020 йил 27 июлдаги ПФ-4790-сон «Ўзбекистон Республикасида Санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4159-сон «Соғлиқни сақлаш тизими ислохотларига илғор хорижий тажрибани жорий этишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Сийдик йўллари инфекцияси касалликларини ташҳисоти, даволаш тадбирларини ҳал этишга ҳамда сийдик йўллари инфекциялари кўзгатувчиларини микробларга қарши препаратларга чидамлилиги шаклланишининг мониторингига йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан European Association of Urology (Нидерландия); American Society for Microbiology (ASM, АҚШ); British Society for Antimicrobial Chemotherapy (BSAC, Буюк Британия); Australian Infectious Diseases Research Centre (Австралия); Institute for Hygiene, University of Münster, (Германия), World Health Organization (ЖССТ, Женева), Robert Koch Institute, Wernigerode, (Германия); a Department of Clinical Microbiology, (Хитой); European Centre for Disease Prevention and Control (ECDPC, Европа), The European Committee on Antimicrobial Susceptibility Testing (EUCAST, Европа); European Surveillance of Antimicrobial Consumption (ESAC, Европа), Смоленск давлат тиббиёт академияси негизда Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий тараққиёт Федерал агентлигининг антибиотикларга чидамлилигини мониторинг қилиш бўйича илмий-услубий марказ (ЦМАР, Россия); Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.bu.edu/; <https://uroweb.org/>; <https://asm.org/>; <https://bsac.org.uk/>; <https://aidrc.org.au/>; <https://www.uni-muenster.de/en/>; <https://www.who.int/>; <https://www.rki.de/>; <https://www.eucast.org/>; <https://www.ema.europa.eu/>; <http://www.microbiology.ru/>; <http://med.uz/infectology/> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

амалий тиббиёт маркази, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказлари (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Жаҳонда сийдик йўллари инфекциялари кўзгатувчиларининг микробларга қарши препаратларга чидамлилиги муаммосининг амалий ечимини ҳал этишга йўналтирилган қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Урологик инфекцияларни келтириб чиқарувчи кўзгатувчиларнинг микробларга қарши препаратларга чидамлилигини шаклланишининг механизми асосланган (American Society for Microbiology, ASM, АҚШ); антибиотикларга муқобил сифатида бактерофаглар (European Association of Urology, Нидерландия); The European Committee on Antimicrobial Susceptibility Testing (EUCAST, Европа); European Surveillance of Antimicrobial Consumption (ESAC)), фторхинолонлар, цефалоспорин антибиотикларга микроорганизмларнинг чидамлилиги асосланган (Смоленск Давлат тиббиёт академиясининг микробга қарши химиотерапия илмий - текшириш институти, Россия); ўткир ичак инфекциялари кўзгатувчиларининг фено ва генотипик тавсифи асоослаш (Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий - амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон), урологик инфекцияни бактериал кўзгатувчиларининг вирулентлик омиллари ва микробларга қарши препаратларга чидамлилигини фенотипик ҳамда генотипик усуллар ёрдамида аниқлаш такомиллаштириш (Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, Ўзбекистон).

Урологик инфекцияларнинг этиологик структурасини баҳолаш ва кўзгатувчилар орасида устун бўлган уропатоген *E.coli* нинг вирулентлиги ва чидамлилиги муаммолари бўйича бир қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: сийдик йўллари инфекциялари билан касалланган беморлардан ажратилган уропатоген *E.coli* штаммларининг антибиотикларга сезгирлигини текшириш; *E.coli* нинг турғунлик натижаларини худудлараро таҳлил қилиш, *E.coli* генларида β – лактам антибиотиклари- карбапеналарга чидамlilik генлари мавжудлигини аниқлаш; *rapC* ва *fimH* генларини сақловчи *E.coli* уроштаммларига фитопрепаратнинг антиадгезив таъсирини баҳолаш, *E.coli* нинг чидамlilik генлари сақловчи уроштаммларига нисбатан маҳаллий бактериофагларни самарадорлигини аниқлаш, ҳамда сийдик йўллари инфекцияси касалликлари этиологиясини аниқлаш учун микробиологик текширишни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўпгина тадқиқотлар урологик патологияда сийдик йўллари инфекцияларининг юқори улушини аниқлади ва сийдик йўллари инфекцияларининг шифохонага ётқизилган ва амбулатория шароитида даволанган беморлардан ажратилган кўзгатувчиларнинг турларини аҳамияти баҳоланган (Liu Shiwei et al., 2013). Сийдик йўллари инфекциялари бактериал патогенларининг тур тузилиши ўрганилиб, *E.coli* нинг доминант эканлиги аниқланган (Foxman B. et al., 2010, Nabet C. et al., 2014; Talan D.A. et al., 2016). Уропатоген эшерихий вирулентлиги ўрганилди

(Matthew A. et al., 2010; Wafaa A et al., 2015, Jalalil H.R et al., 2015, Mc Lellan L.K. et al., 2016) ва патогеннинг адгезивлик хусусиятларига катта эътибор берилди (Аmineва Э.М. ва бошқ., 2013; Иванова Е.И. ва бошқ., 2015; Хренов ва бошқ., 2016; Oliveira F.A. et al., 2011). Кўп нашрларда вирулентлик омилларини аниқлашнинг молекуляр-генетик тадқиқотлар натижалари келтирилган (Flores-Mireles A.L. et al., 2015, Kumar M.S. et al., 2015). MALDI-TOF MS технологиясидан фойдаланган ҳолда микроорганизмларнинг диагностикаси ўтказилган (Аmineва П.Г. ва бошқ., 2018; Глушанова Н.А. ва бошқ., 2018; Припутневич Т.В. ва бошқ., 2016; Попов ва бошқ. 2016; Ford B.A. et al., 2013). Кўплаб илмий изланишларда сийдик йўллари инфекциялари билан касалланган беморлар биоматериалларидан ажратиб олинган уропатогенларнинг - антибиотикларга чидамлилиги баён этилган (Агеев В.А 2016; Козлов Р.С. ва бошқ, 2018; Bader M.S. et al., 2017; Lutgring J.D. et al., 2016; Mazzariol A et al., 2017; Majeed A et al., 2017; Kranz J. et al., 2018; Stapleton P.J. et al., 2017). Уропатогенларнинг беталактама синфи ва уларга туруғунлик механизмларига катта эътибор берилмоқда (Козлов Р.С. ва бошқ., 2018; Полищук А.Г. ва бошқ., 2017; Lob S.H et al., 2016; Hond A.H. et al., 2017; Schaufler K. et al., 2016). Сўнгги йилларда микроорганизмларнинг антибиотикларга чидамлилигининг юқори даражада ривожланиш даврида тадқиқотчилар тобора кўпроқ уроинфекцияни даволашнинг муқобил усулларига - бактериофаглар ва фитопрепаратлар асосида даволашни тавсия қилишмоқда (Каримова Ф. Д. ва бошқ., 2013; Перепанова Т.С. ва бошқ., 2018; Athanasios K., et al., 2019, Naber K.G. et al., 2014; Kutateladze M et al., 2016; Pelfrene, E. et al., 2016; Scholten R.J. et al., 2018).

Шундай қилиб, маҳаллий ва чет элларда олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда, урологик инфекцияларнинг бактериал кўзғатувчилари, вирулентлик омиллари ва антибиотикларга чидамлилигининг фено- ва генотипик текшириш усуллари ёрдамида аниқлашнинг замонавий жиҳатлари ва профилактикасининг самарадорлигини ошириш катта аҳамиятга эга. Урологик инфекцияларни бактериал кўзғатувчиларининг вирулентлик омиллари ва замонавий антибиотикларга чидамлилигини ўрганиш айниқса аҳамиятли ва долзарбдир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг илмий-тадқиқот режаларига мувофиқ: «Юқумли, гигиеник, техноген, экологик омилларнинг аҳоли саломатлигига таъсири», № ССВ-Ф-034; ПФИ-6, «Одам учун патоген эшерихиянинг ҳудудга хос хусусиятлари: вирулентлик омилли бўйича фено- ва генотипларини, антибиотикларга чидамлилигини ўрганиш ҳамда муқобил препаратларнинг (фитопрепаратлар) самарадорлигини аниқлаш» (2017-2020йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: урологик инфекция бактериал кўзгатувчилари, патогенлик омиллари ва микробларга қарши препаратларга чидамлилигини фено – генотипик усуллар ёрдамида аниқлашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шифохонага ётқизилган ва амбулатор сийдик йўллари инфекцияси билан касалланган беморлардан этиологик аҳамиятга эга бўлган микроорганизмларни ажратиб олиш ва уларни ташҳислаш;

E.coli нинг уроштаммларини вирулентлик омилларини фенотипик ва генотипик усуллар билан аниқлаш;

E.coli уроштаммларининг турли синф ва гуруҳларга мансуб антибиотикларга чидамлилигини анъанавий диск-диффузия усули, модификацион усуллар ёрдамида таҳлил қилиш, ҳамда Blue-Carba фенотипик скрининг усулини синовдан ўтказиш ва мақбуллаштириш;

беморлардан ажратилган уропатоген *E.coli* штаммларини карбапенем антибиотикларига чидамлилик генларини аниқлаш;

шифохонага ётқизилган ва амбулатория шароитида даволанган беморлардан ажратилган *E.coli* уроштаммларини антибиотикларга чидамлилигини таққослаш;

республикада шифохонага ётқизилган беморлардан ажратилган уропатоген эшерихияларнинг антибиотикларга қарши чидамлилигини баҳолаш;

фитопрепаратнинг касалхона ичи ва амбулатор *E.coli* уропатоген штаммларида антимикробиял ва антиадгезивлик фаоллигини *in vitro* аниқлаш;

уропатоген *E.coli* га қарши маҳаллий терапевтик эшерихий бактериофаги тажрибавий сериясининг асосий параметрлари (ўзига хослиги ва литик фаоллик даражаси)ни ўрганиш;

маҳаллий терапевтик стафилококк бактериофагининг пешоб ва бошқа биоматериаллардан ажратиб олинган *S. aureus* (MSSA ва MRSA) нинг турли хил вариантларига қарши ўзига хослиги ва литик фаоллик даражасининг самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган урология илмий – амалий тиббиёт марказининг клиник шифохонаси (n=1983) ва 1-сон Тошкент шаҳар клиник шифохонасида (n=205) сийдик йўллари инфекцияси билан касалланган беморлар ҳамда «Vitros diagnostics» МЧЖ амбулатория шароитида даволанган беморлар (n=1109) олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида сийдик йўллари инфекцияси асоратсиз ва асоратли шакллари билан касалланган госпитализация қилинган ва амбулатор беморлардан олинган биологик материал (пешоб)лар ва улардан ажратилган уропатогенлар *Escherichia coli* штаммлари (n=1094) олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун бактериологик (анъанавий диск-диффузия ва «комбинирланган диск» усуллари), молекуляр-генетик (Полимераза занжир реакцияси, гель электрофорез), адгезивлик (микроскопик) ва статистик (Урбах) усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

шифохонада ва амбулатор шароитда даволанган беморлардан ажратилган инфекцияларнинг этиологик фарқлар аниқланиб, уропатоген *E.coli* нинг доминантлиги ва уларнинг антибиотикларга чидамлилиги ўртасидаги фарқлар аниқланган;

амбулатория шароитида даволанган беморлардан ажратилган уропатоген штаммларнинг эмпирик даволаш учун тавсия этилган цефалоспорин гуруҳи антибиотикларига юқори даражада чидамлилиги, шунингдек фосфомицин ва нитрофурантоин антибиотикларига юқори даражада сезувчанлиги исботланган;

илк бор меропенем, имипенем, эртапенем каби захира ҳисобланган антибиотикларга чидамликни таъминловчи NDM-1 ва VIM генлари аниқланган;

уропатоген *E.coli* изолятларида *papC* ва *fimH* вирулентлик генлари мавжудлиги ва шу генларни сакловчи *E.coli* штаммларига нисбатан «Реналка» фитопрепаратнинг *in vitro* антиадгезивлик фаоллиги исботланган;

беморлардан ажратилган *S.aureus* ларга ва кенг спектрдаги беталактамаза ферменти ишлаб чиқарувчи уропатоген *E.coli* га нисбатан фагнинг лизислашда фаоллиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

уропатоген *E.coli* ва бошқа грамманфий бактериялар штаммларида карбапенемазаларни аниқлаш учун ишлаб чиқилган янги скрининг фенотипик Blue-Carba усули ўзлаштирилган ва амалда синовдан ўтказилди, таҳлил натижаларининг 18-24 соат ўрнига 1-2соатга қисқартиришга имкон яратилганлиги исботланган;

текширишда ацидометрик усулдан фойдаланиш натижаларига кўра, усул оддий бажарилиши, қиммат ва дефицит реагентларни талаб қилмаслиги исботланган;

уропатоген эшерихий томонидан кенг спектрдаги беталактамаза ишлаб чиқарилишини аниқлаш учун тижоратдаги комбинацияланган (ингибиторлари билан) дисклар ёрдамида ижобий натижаларга эга эканлиги аниқланган;

турғунлик генларининг тарқалишини назорат қилувчи компютер дастури ишлаб чиқилган;

E.coli ва бошқа грамманфий бактерияларга Реналка фитопрепаратининг таъсири ва адгезивлигига қарши фаоллигини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган;

уропатоген *E.coli* изолятларида *papC* ва *fimH* вирулентлик генларини аниқлашда мультиплекс ПЦР текшириш усули ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган тадқиқот ишида қўлланилган барча ёндашувлар, усулларнинг кенг ахборот бериш имкониятига эга эканлиги, назарий ва амалий жиҳатдан аниқлиги, тадқиқот объектларининг етарлилиги, замонавий ташхислаш усулининг қўлланилганлиги, ўзаро бир бирини тўлдирувчи бактериологик, серологик ва молекуляр-генетик ҳамда статистик усулларига таянганлиги, шу билан бирга,

тадқиқот давомида олинган натижаларнинг маҳаллий ва хорижий илмий изланишлар билан солиштиришни тақазо этади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, сийдик йўллари инфекцияси билан касалланган беморларнинг пешобидан ажратилган микроорганизмлар ўртасида уропатоген *E.coli* штамmlарининг доминантлиги, уропатоген *E.coli* изолятларида *papC* ва *fimH* вирулентлик генлари мавжудлиги, карбапенем антибиотикларига чидамлилики таъминловчи NDM-1 ва VIM генларининг асосланиши, *E.coli* нинг касалхона ичи уропатоген штамmlарининг адгезивлик омилларига қарши «Реналка» фитопрепаратининг фаоллиги, маҳаллий бактериофагнинг кенг спектрдаги беталактамаза ишлаб чиқарувчи штамmlарига самарадорлигини аниқланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сийдик йўллари инфекция кўзғатувчиларининг грамманфий турларини карбапенем антибиотикларига сезгирлигини аниқлашда Blue-Carba фенотипик скрининг усулидан фойдаланиш, таҳлил натижаларини 18-24 соат ўрнига 1-2 соатга қисқариши, беморларнинг шифохонада даволанишига сарфланадиган харажатларни камайтиришга эришилди.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Ўзбекистонда урологик инфекциялар бактериал кўзғатувчилари, патогенлик омиллари ва микробларга қарши препаратларга чидамлилигини фено - генотипик усуллар ёрдамида аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида: уропатоген эшерихийларнинг карбапенем антибиотикларига чидамлилигини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида «Бактерияларнинг карбапенем антибиотикларига турғунлигини аниқлашнинг тезкор ва осон усули» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-д/145-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома грамманфий микроорганизмларнинг карбапенем антибиотикларига турғунлигига шубҳа қилинган штамmlарнинг қисқа вақт ичида тез ва арзон аниқлаш этиотроп даволашда самарали антибиотикларни қўллаш имконини берган; уропатоген эшерихийларнинг беталактам антибиотикларини гидролизловчи ферментларни аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида «Бактерияларда беталактам антибиотикларни гидролизловчи ферментларни аниқлашнинг тезкор усуллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 29 сентябрдаги 08-2995-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома EUCAST стандартларига мувофиқ беталактам антибиотикларига турғунлигига шубҳа қилинган штамmlарнинг қайта тасдиқлаш усулини такомиллаштиришга ёрдам берган, бу беталактамларга чидамлилики натижаларини клиник талқин қилиш ва этиологик асосланган даволашни оптималлаштириш имконини берган; карбапенем антибиотикларига бактерияларнинг турғунлигини аниқлашнинг тез ва осон усули, ҳамда бактерияларда беталактам антибиотикларни гидролизловчи ферментларни аниқлашнинг тезкор усуллари амалиётда

қўллаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент ва Хоразм вилоятлари СЭО ва ЖСХ бошқармалари, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази, «Vitros diagnostics» МЧЖ бактериологик лабораториялари фаолиятига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 17 майдаги 8н-з/160-сон маълумотномаси). Натижада, касалликни эрта ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда касаллик асоратларини камайтириш имконини берган

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 12 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, етита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 144 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Уропатоген эшерихийларнинг сийдик йўллари инфекциялари ривожланишидаги роли ва турғунлик механизмлари шаклланишида замонавий тасаввурлар**» деб номланган биринчи боби сийдик йўллари инфекцияларининг урологик амалиётдаги аҳамияти, этиологияси, уропатоген эшерихийларни молекуляр-генетик текшириш усуллари, катетер билан боғлиқ сийдик йўллари инфекцияси, антибиотикларга турғунлиги, бактериофаг ва фитопрепаратларнинг сийдик йўллари инфекцияларини даволашда қўлланилишига бағишланган. Адабиётларни таҳлил қилишда уроинфекциянинг урологик амалиётдаги роли, уларнинг этиологияси, инфекциянинг асосий кўзғатувчиси - уропатоген *E.coli* нинг-адгезивлиги, антибиотикларга турғунлик омиллари ёритиб берилган. Антибиотикларга муқобил - бактериофаглар ва фитопрепаратларнинг самарадорлиги баён этилган. Ушбу бобда бактериологик лабораторияларнинг кундалик амалиётида қўлланиладиган микробиологик ташхисотга ва

усулларга замонавий ёндашувлар MALDI-TOF масс-спектрометр диагностикаси ҳақида маълумотлар ҳам берилган.


Диссертациянинг «Уропатоген эшерихийларни микробиологик текшириш материаллари ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва тадқиқотни таъминловчи метод ва методик ёндашувлар келтирилган. Намуна олиш, культурани идентификациялаш, замонавий MALDI-TOF MS технологияси ёрдамида реидентификациялаш, патогенлик омиллари ва антибиотикларга турғунлигини фенотипик текшириш бўйича материаллари ва тадқиқот усуллари баён этилган. Тажриба музей культураларини йиғиш мақсадида сийдик йўли инфекцияси кўзгатувчилари амбулатор беморлардан штаммларни ажратиб олиш ва бирламчи идентификацияси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази бактериологик лабораториясида, шифохонага ётқизилган беморлардан ажратилган уропатоген штаммларини ажратиб олиш ва бирламчи идентификацияси Республика ихтисослаштирилган Урология илмий-амалий тиббиёт маркази ва 1- Тошкент шаҳар шифохонаси бактериологик лабораторияларида ажратиб олинган микроорганизмларнинг тўлиқ таҳлили, уларнинг антибиотикларга чидамлилиги аниқлаш, таҳлилнинг замонавий (ҳалқаро талаб ва Стандартлар) усуллари Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази микробиология кафедрасида ўтказилди. Ажратиб олинган культуралар морфологик, тинкториал, биокимёвий хусусиятлари таҳлил қилинди. Антибиотикларга турғунлик хусусиятларини анъанавий диск-диффузион усули (ДДУ), шунингдек изланиш натижасида модификацияланган Blue-Carba усуллари асосида олиб борилди. Ажратиб олинган турғун штаммлар ПЗР (Real-Time PCR) усулида тўпламлар ёрдамида аниқланган. Сийдик йўллари инфекциялари шифохонага ётқизилган ва амбулатор беморлардан ажратилган штаммларининг вирулентлик омиллари, шу жумладан адгезивлиги ва унга қарши «Реналка» фитопрепаратининг фаоллиги В.И. Брилис (1986) усулида аниқланди. Адгезивлик генлари ПЗР гел электрофорез усулида аниқланди. Сийдик йўллари инфекциялари шифохонага ётқизилган беморлардан ажратилган уропатоген *E.coli* штаммларига маҳаллий тажрибавий эшерихиоз бактериофагининг ва амбулатор беморлардан ажратилган стафилококкларига нисбатан стафилококк бактериофагининг сезгирлиги Отто усули бўйича аниқланган.

Диссертациянинг «Сийдик йўллари инфекцияларининг асосий кўзгатувчиларини идентификациялаш, шифохонага ётқизилган ва амбулатор беморлардан ажратилган сийдик йўллари инфекцияларининг этиологик тузилишининг таҳлил натижалари» деб номланган учинчи бобида сийдик йўллари инфекция кўзгатувчиларининг фенотипик хусусиятлари ва уларнинг шифохонага ётқизилган ҳамда амбулатор беморлардан ажратилган турларини этиологик таққослаш натижалари баён этилган.

Текширилган беморларнинг умумий сонидан (3298) 3 та даволаш профилактика муассаса (Рес Урология, 1-шаҳар шифохонаси, «Vitros

diagnostics»МЧЖ) ларида ўтказилган бактериологик тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилишда 49% диагностик титрда (10^{3-5} ва ундан юқори) микроорганизмлар аниқланди ва бу кўрсаткичлар турли даволаш профилактика муассасаларида катта фарқ қилмади. Пешобдан ажратилган барча микроорганизмлар учта турли гуруҳга бўлинган - грамманфий - 1494 (92,1%), граммусбат - 78 (4,8%) ва кандида - 51 (3,1%,)

Шу билан бирга, грамманфий бактериялар 3 та муассасада - асосан энтеробактериялар оиласи устунлик қилган ва улар орасида *E.coli* етакчи ўрин эгаллаган. 1-расмда кўриниб турганидек шифохонага ётқизилган ва амбулатор беморларнинг пешобидан эшерихийларни ажралиш даражасида катта фарқ аниқланмади.



1-расм. Шифохоналарда ва амбулатор беморлар сийдик йўллари инфекциялари кўзгатувчилари энтеробактерия оиласи вакиллариининг солиштирма нисбати (%да).

Юқорида таъкидланганидек грамманфий бактериялар доминантлик қилган тарзда ҳам турли ДПМ ларидан ажратилган бактериялар сезиларли даражада фарқ қилди. РИУИАТМ да 96,5%, 1-шаҳар шифохонасида 69,2% ва амбулатор беморларда 88,0% ни ташкил қилди.

MALDI-TOF MS ёрдамида реидентификациялаш натижалари. Шифохона беморларидан ажратилган 40 та *E.coli* уроштаммларини MALDI-TOF MS ускунасида қайта идентификация қилинди. Анъанавий усулда мусбат ёки манфий (+/-,-/+) реакциялари шубҳали ҳолатлар аниқланган 8та штамдан атроф муҳитда, асосан сувда яшовчи, уросепсис келтириб чиқариши мумкин бўлган 3 та *E.vulneris*, шартли патогенга кирувчи сийдик йўллари инфекцияларини келтириб чиқарувчи 2 та *E.fergusonii* штамлари тасдиқланди.


Диссертациянинг «Уропатоген *E.coli* ларнинг асосий вирулентлик омиллари, уларнинг адгезивлик хусусиятларини фенотипик ва молекуляр генетик усуллар ёрдамида аниқлаш» деб номланган тўртинчи бобида уропатоген *E.coli* нинг вирулентлик омилларини, шу жумладан штамларнинг адгезивлигини фенотипик аниқлаш ва шифохонага ётқизилган ҳамда амбулатор беморлардан ажратилган штамларнинг адгезивлик

натижаларини солиштириш ва генотипик усул ёрдамида тасдиқлаш натижалари келтирилган.

E.coli уроштаммлари (50 штамм) алоҳида вирулентлик омиллари бўйича фенотипик текширув ўтказилди. Фақат гемолитик фаолликни ўрганишдагина аниқ мусбат натижалар 2 та штаммда олинди (14%). Желатиназа текширувида ягона энгид мусбат ва шубҳали реакция натижалари аниқланди.

Эшерихийнинг асосий вирулентлик омилни фенотипик аниқлаш – шифохонага ётқизилган ва амбулатор беморлардан ажратилган уропатоген *E.coli* штаммлар ўртасидаги адгезивлик фаоллигининг (КА ва СПА) фарқини ўрганишга асосланган.


Ўрганилган икки гуруҳ ўртасидаги фарқ сезиларли даражада ва амбулатор беморлардан ажратилган уроштаммларнинг юқори вирулентликга эга эканлигини тасдиқлайди (2-расм).



Изоҳ: КА-адгезивланган эритроцитлар фоиз коэффиценти; СПА-битта эритроцитга бириктирилган микроорганизмларнинг ўртача улуш кўрсаткичи)

2-расм. А - СПА – адгезивланган ўртача кўрсаткичи Б - КА адгезивлик коэффиценти (% да)

E.coli papC ва *fimH* уроштаммларининг иккита асосий адгезив генлари ПЗР гел электрофорез билан 2% агарозда аниқланди. Олинган таҳлил натижалари 3- расмда келтирилган. 71 та *E.coli* шифохонага ётқизилган беморлардан ажратилган уропатоген *E.coli* штаммлари текширилди.




Изоҳ: А. 5-27 *papC*, 25,26,27-*papC*+ *fimH*, Б. 28-43 *fimH*, 28-36,38-*papC*.

3-расм. Шифохонага ётқизилган беморлардан ажратилган уропатоген *E.coli* штаммларининг вирулентлик хусусияти аниқланди М (ДНК зинапоysi 100 bp.)

4 та штаммда (5,6%) генлар топилмади. 67 культура орасида кўпроқ *rap C* ва *fimH* иккала геннинг комбинацияси (31-46,4%) аниқланди. 22 та (32,8%) штаммда фақат *rap C* аниқланди, 14 та *fimH* гени (20,8%). Шундай қилиб, ўрганилган иккита адгезивлик генидан *rap C* гени доминант бўлган, чунки у 67 шифохонага ётқизилган беморлардан ажратилган уропатоген *E.coli* штаммларидан 53 та (79,2%) мусбат изолят аниқланди.

Диссертациянинг «Асосий кўзгатувчи *E.coli* уроинфекциясининг антибиотикларга чидамлилиги» деб номланган бешинчи бобида амбулатор ва шифохонага ётқизилган беморлардан ажратилган уропатоген *E.coli* нинг беталактам ва бошқа гуруҳга мансуб антибиотикларга чидамлилиги фенотиплари, уларни анъанавий ДДУда тасдиқлаш усули ва молекуляр-генетик усул- ПЗР таҳлили, шунингдек шифохонага ётқизилган ва амбулатор беморлардан ажратилган уропатоген *E.coli* штаммларининг антибиотикларга турғунлигини таққослаш таҳлил натижалари баён этилган.

Анъанавий диск-диффузия усулида: уроштаммларнинг перорал антибиотикларга, айниқса, цефтибутен, цефиксим, ампициллин ва ингибитор ҳимояланган беталактамларга, шу жумладан, амоксициллин-клавуланат кислотасига нисбатан турғунлиги юқори эканлиги аниқланди. 4-расмдан кўришиб турибдики, амбулатор беморлардан ажратиб олинган уропатоген эшерихия штаммлари асосий ЦП-нинг 3-авлодига турғунлик намоён қилиб-цефтриаксонга 49,3%, цефтазидимга 66,2% ни ташкил этди.



Изоҳ: S – сезир, R+RS- чидамли ва ўртача чидамли.

4-расм. Уропатоген *E.coli* штаммларининг беталактам антибиотикларга чидамлилиги таҳлили натижалари (% да).


Карбапенем антибиотиклари гуруҳида энг самарали имипенем (R 11,3%) ва меропенем (R 25,3%) бўлди. Шу билан бирга, эртапенем (49,3%) ва азтреонам (41,8%) ларга паст даражада самарадорлиги уларни (EUCAST терминологиясида) минтақавий хусусиятини ифодаловчи «фавқулудда фенотиплар» га ишора қилади.

Халқаро стандартларга (EUCAST) мувофиқ, грам-манфий патогеннинг беталактамларга диско диффузия усули (ДДУ) билан чидамлилигини аниқлашда, фақат 3-авлод цефалоспаринларига сезгирликни аниқлаш билан чекланиб қолмасдан, фенотипик усул ишлаб чиқаришни комбинацияланган дисклар (цефалоспорин + клавулан кислотаси) ёрдамида ферментни тасдиқлашни тавсия қилади. Усулга кўра, текширишда комбинирланган диск

атрофидаги ўсмаган майдон диаметри (ЎМД) нинг ингибиторсиз диск атрофида ўсмаган майдон диаметридан фарқи 5 мм ва ундан ортиқ (синергизм) кенгайиши кенг спектрдаги беталактамаза ишлаб чиқарилишини тасдиқлайди. Ўрганилган 32 штаммларнинг 25 тасида (78,1%) аниқ ижобий натижалар олинган.

Эшерихийнинг амбулатор беморлардан ажратилган уропатоген *E.coli* 20-та штаммлари карбапенемазалар ишлаб чиқарилишини тасдиқлаш учун янги биокимёвий усул - Blue-Carba тести ишлатилган. Синов карбапенем (имипенем кукуни) ва текширилаётган культурани таъсирланишидан кейин муҳит рН ни кислотали томонга силжишига асосланган (индикатор бромтимол кўки). Ўрганилган уропатоген *E.coli* нинг 10 штаммида мусбат натижалар олинган.

Карбапенемазалар ишлаб чиқаришни кодловчи генлар аниқлаш иккита тўпламда – карбапенемазлар синфи металл-β -лактамазалар (МБЛ) синфидаги VIM, IMP ва NDM-1, карбапенемаз KPC/OXA-48-FL, худди шу штаммларда олиб борилди. Генлар Blue-Carba тестида мусбат натижа олинган штаммларда топилган (5-расм).



Изох: А)NDM-1 гени амплификация маҳсулотларининг йиғилиш графиги 1 - *E.coli* №956; 2 - K+; 3 - *E.coli* №1036; 4 - *E.coli* №977; 5- *E.coli* №265; Б)VIM гени амплификация маҳсулотларининг йиғилиш графиги 1-K+; 2- K+; 3- № *E.coli*299; 4- №956

5-расм. Эшерихийнинг шифохонага ётқизилган беморлардан ажратилган *E.coli* уроштаммларини ПЗР (Real-Time PCR) ёрдамида карбапенемазаларга турғунлик генларини аниқлаш натижалари

Барча аниқланган генлар Blue-Carba тестида ижобий штаммларда топилган. Уларнинг барчаси металл-β-лактамазанинг молекуляр синфига мансуб бўлиб, жами бундай штаммларнинг 5/33,3% ни ташкил этди. NDM-1 генлари эшерихийнинг 4 штаммида - 3 тасида (265, 977, 1036) - фақат NDM-1, биттасида (956) VIM гени билан биргаликда, фақат битта культурада (299) VIM гени боқа генлар билан бирикмасдан аниқланган. 5та *E. coli* уроштамми Blue-Carba текшириш усулида ижобий натижага эга бўлган, аммо ПЗР да улардан 3 тасида (599, 997, 1022) VIM гени фақат 31- циклдан кейин пайдо бўлган.

Илмий изланишда анъанавий диск-диффузия усули, Blue – Carba усули ва молекуляр- генетик текшириш усуллари ёрдамида олинган натижаларни солиштирма таҳлили кўйидаги жадвалларда келтирилган (1-жадвал). Натижалар асосида шуни тасдиқлаш мумкинки, Blue – Carba усули сезгир ва


махсуслик хусусиятлари бўйича талабга жавоб бера олади ва ПЗР таҳлили олиб бориш имкони бўлмаган лабораторияда Blue – Carba усули ёрдамида карбапенемаза турғунлигини аниқлаш мумкин.

1-жадвал

Молекуляр-генетик маълумотлар билан тасдиқланган турли усуллар натижалари бўйича асосий умумлаштирилган маълумотлар

№	Карбапенемалар ДДУ			Blue – Carba	Генетик тадқиқотлар
	IMP	MEP	ERT		
1	S	R	R	++	bla _{NDM} *
2	S	S	RS	+	bla _{VIM} *
3	R	RS	S	++	bla _{VIM} , bla _{NDM}
4	R	RS	R	+	bla _{NDM}
5	R	S	R	+	bla _{NDM} *

Илмий изланишнинг кейинги босқичида шифохонага ётқизилган беморлардан ажратилган *E.coli* уроштамларининг фторхинолон ва бошқа гуруҳ антибиотикларига чидамлилиги таҳлил қилиш вазифалари бажарилган (6-расм).




Изоҳ: S – сезгир, R+RS- чидамли ва ўртача чидамли.

6-расм. *E.coli* шифохонага ётқизилган беморлардан ажратилган уроштамларнинг фторхинолон ва бошқа гуруҳ антибиотикларга чидамлилигини аниқлаш таҳлил натижалари (%).

Ушбу текширилган бешта дори воситалари (моксифлоксацин, левифлоксацин, офлоксацин, норфлоксацин, ципрофлоксацин) тести тахминан бир хил натижа кўрсатди: 57,6% - 45,6% сезгир. Бошқа антибиотикларни ўрганишда нитрофурантоин ва фосфомицинларнинг юқори фаоллиги 100% ва 95,9% сезгирлик аниқланди. (6-расм), улар деярли барча


кўрсатмалар ва нашрларда сийдик йўллари инфекцияларини даволаш учун биринчи даражали дорилар сифатида тавсия этилган.

Изланишнинг кейинги босқичида, шифохонага ётқизилган (1-Тошкент шаҳар шифохонаси) ва амбулатор (“Vitros diagnostics” МЧЖ) беморлардан ажратилган уропатоген *E.coli* нинг антибиотикларга чидамлилигини солиштириш таҳлил натижалари келтирилган. (7-расм).



7-расм. Шифохонага ётқизилган ва амбулатор беморлардан ажратилган *E.coli* уроштамларининг беталактам антибиотикларига нисбатан сезирлигини таққослаш таҳлил натижалари (%да)


7- ва 8-расмларда сийдик йўллари инфекциялари билан шифохонага ётқизилган ва амбулатор беморлардан ажратилган изолятларнинг антибиотикларга чидамлилигида сезиларли фарқлар аниқланди. Бу цефалоспоринлар ва фторхинолонларга ҳам таълуқлидир. Сезиларли фарқ барча цефалоспоринлар, ципрофлоксацин ва левофлоксацин антибиотикларига нисбатан (p<0/05 ва p <0/01) аниқланди.



8-расм. Шифохонага ётқизилган ва амбулатор беморлардан ажратилган *E.coli* уроштамларининг фторхинолонлар ва аминогликозид антибиотикларига сезирлигини таққослаш таҳлил натижалари


Бундан ташқари, биз уропатоген *E.coli* шифохонага ётқизилган беморлардан ажратилган штаммларининг республиканинг турли

минтақаларидаги антибиотикларга чидамлилигини таққосладик. Тошкентда 1-шаҳар шифохонасига ётқизилган беморлардан ва илгари Андижон, Самарқанд, Бухоро вилоят тиббий марказларида даволанган (Республика ихтисослаштирилган Урология илмий-амалий тиббиёт марказига госпитализация қилинган) беморлардан ажратилган уропатоген *E.coli* штаммларда чидамлик таҳлили ўтказилди. Олинган маълумотларга кўра (9-10расм), урта ингибир ҳимояланган пенициллинлар, жумладан, амоксиклав барча ўрганилган объектларда самарасиз эди.-86% дан -96% гача.




9-расм. Турли ҳудудлардан ажратилган уропатоген *E.coli* штаммларининг пенициллин антибиотикларига турғунлигининг қиёсий таҳлили натижалари (%да)

